Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

● 2011-yil, 13-sentabr. Seshanba ● 112 (31.388) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

Хушхабар

Полвонларимизнинг Эрондаги муваффақияти

Кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида 2 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Нуфузли мусобақа ғолиб ва совриндорларини Тошкент халқаро аэропортида спорт жамоатчилиги, мухлислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кутиб олди.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида ўзбек кураши жаҳонга юз тутди. Бугун юздан зиёд мамлакат вакиллари кураш билан мунтазам шуғулланиб, нуфузли мусобақаларда гиламга чиқмоқда.

Қитъамизнинг ўндан зиёд давлатидан 150 нафарга яқин энг сара полвонлар иштирокида бўлган бу галги Осиё чемпионати барча курашчилар учун жорий йилнинг 19-23 октябрь кунлари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб Термизда ўтказиладиган кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир ва катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатига муҳим тайёргарлик вазифасини ўтади.

Осиё чемпионатида 66 килограммгача бўлган оғирликдаги полвонлар ўртасидаги баҳсларда ҳамюртимиз Арслонбек Маҳмудов Эрон, Афғонистон, Ироқ вакилларини енгиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи баҳсда яна бир ҳамюртимиз, кураш бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Олим Равшановни мағлубиятга учратган Арслонбек Маҳмудов Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Олим Равшановга кумуш медаль топширилди.

Вазни 73 килограммгача курашчилар беллашувида истеъдодли полвонимиз Давлат Абраев ҳам Эрон ва Ироқ полвонларини енгиб, қитъа чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди.

— Нуфузли мусобақада кураш бўйича шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилганимдан жуда хурсандман, — дейди Осиё чемпиони Д.Абраев. — Юртимизда спорт ривожи ва ёш авлод интилишларини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор ғалабаларимизда муҳим омил бўлмоқда. Ниятим — жаҳон чемпионатларида ҳам олтин медалларни қўлга киритиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришдир.

Осиё чемпионатида ҳамюртларимиздан Улуғбек Қўлдошев кумуш, Шуҳрат Арслонов, Элмурод Соатов ва Беҳзод Тўрабоев бронза медаль билан тақдирланди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2011

Кўрик-танлов

ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимини оширишга хизмат қилмоқда

Владимир ГОНЧАРЕНКО олган суратлар.

Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг «Ёш сиёсатчи — 2011» кўрик-танлови Республика босқичи бўлиб ўтди. Туман, шаҳар ва вилоят босқичларидан муваффақиятли ўтиб келган ёш йигит-қизлар сиёсий ва ҳуқуқий билимларини яна бир бор синовдан ўтказди, юртнинг муносиб фарзандлари эканини намоён этди.

Дарҳақиқат, бугун биз кўзлаган юксак мақсадлар, эзгу орзу-ниятларни амалга оширишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган ёш йигит-қизларнинг ўрни беқиёс. Айниқса, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга қаратилган ислоҳотларда сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳам бу борада кўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. 2008 йилдан бери анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «ЎзХДПда ёш сиёсатчи» кўрик-танлови шу йўналишдаги йирик лойиҳалардан бири, десак, хато қилмаган бўламиз.

Кези келганда айтиш ўринлики, кўрик-танловнинг мақсади — мамлакатимиз йигит-қизларининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини янада такомиллаштириш, уларга ҳар томонлама имкониятлар яратиш, фуқаролик жамияти қурилишидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамасида фаол иштирокини таъминлаш, салоҳиятли ёш сиёсатчиларни партиянинг кадрлар захирасига олиш, кўрик-танлов ғолибларини «Истиқбол» ёшлар қаноти сафида партия фаолиятига жалб этишдан иборат.

Бу йилги кўрик-танлов «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» ғояси асосида «Юртим мустақиллиги — келажагим кафолати!» шиори остида ташкил этилди. Тадбирнинг Республика босқичи Мустақиллигимизнинг 20 йиллик шодиёналарига уланиб кетди.

Бугунги кунда «Истиқбол» ёшлар қаноти сафи тобора кенгайиб, аъзолари сони 110 мингдан ошди. Ўтказилаётган кўрик-танлов орқали бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб бораяпти. Буни жорий йилда туман, шаҳар ва вилоят босқичларида иштирок этган 10 минг нафар йигит-қиз мисолида кўриш мумкин. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2008 йилги танловда 2500 нафар, 2009 йилда 4500 нафар ва 2010 йилда эса 7000 нафарни ташкил этган эди.

(Давоми 2-бетда.)

Эътироф

Истиқлол йилларида узоқни кўзлаб амалга оширилган ислоҳотлар, кенг кўламли бунёдкорлик мамлакатимиз довруғини оламга таратмоқда. Иқтисодиётимиздаги изчил ўсиш жаҳон ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлмоқда. Буни юртимизга ташриф буюраётган хорижлик ишбилармонлар ва мутахассислар алоҳида таъкидламоқда.

«Юртингизга ҳавасим келди!»

Александр БРИН,
журналист (Австрия):

— Тошкентга биринчи марта келишим. Пойтахтингизнинг гўзаллигини, ўзбек халқининг бағрикенглиги, ширинсуханлиги ва маданиятини кўриб, очиғи, лол қолдим. Илгари Ўзбекистон ҳақида кўп эшитган эдим. Аммо минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган гап рост экан.

Байрам кунлари одамларнинг кўтаринки кайфияти юз-кўзларидан, муомала ва муносабатидан кўриниб турди. Айниқса, ўзбек маҳаллаларидаги ўзаро ҳурмат, миллий урф-одат ва қадриятлар устуворлигидан ўрнак олса арзийди.

Ил Хон СУК,
иқтисодчи (Корея Республикаси):

— Ўзбекистоннинг минтақада етакчи иқтисодий-сиёсий марказ сифатида обрўси ошиб бораяпти. Мамлакатингиз ёшларининг билимга ташналиги, интилувчанлиги, келажакка ишончи, умуман, халқингиздаги яратувчилик иштиёқи кўзланган марраларга етишда муҳим омил бўлади, деб ўйлайман.

Юртингизнинг кўп шаҳарларида бўлдим. Айтиш жоизки, шаҳар ва қишлоқлардаги бунёдкорлик, ободончилик, тўкин-сочинлик Ўзбекистондаги фаровон ҳаётдан далолатдир.

Менда, айниқса, маҳаллалар илиқ таассурот қолдирди. Бошқарувнинг бу ноёб институти — минглаб йиллар давомида шаклланган жамоавий ўзини ўзи бошқарув тизими қатор афзалликларга эга эканига яна бир бор иқрор бўлдим.

Леон ДУДГРИН,
фоторассом (Франция):

— Мен «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг фототақдимотида қатнашиш бахтига муяссар бўлдим. Юртингиз ҳақидаги тасаввурим янада бойиди. Ўзбекистоннинг қадим тарихи, санъати, маданияти, бой маънавий мероси ва мафтункор табиати етти иқлимга маълум. Тақдимотда, асосан, хорижлик фотоижодкорларнинг шу табаррук заминга чексиз меҳр ва эҳтироми, ёркин таассуротлари, ҳайрати ва ҳаваси акс этган. Айниқса, ўзбек шаҳар ва қишлоқлари акс этган суратлар менда катта таассурот қолдирди.

Натали БЕЙЗЛ,
ўқитувчи (Австралия):

— Хива, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Марғилон, Қўқон ва Тошкент шаҳарларида бўлиб, тарихий обидалар, бетакрор меъморий кошоналарни кўриб, катта таассурот олдим. Ўзбек халқининг буюк тарихидан дарак берувчи осмонўпар минораю нақшинкор саройлар пештоқларига боқиб, асрлар қаърига сафар қилгандек бўлдим.

Замонавий бунёдкорлик намуналари ҳам таҳсинга лойиқ. Халқингизнинг шаҳарсозлик бобидаги беқиёс салоҳияти, тарихий шон-шавкатини намоён этиб турган обидалар кишини ҳайратга солади.

Шаҳобиддин МУСАЕВ
ёзиб олди.

Илмий-амалий анжуман

Ислом КАРИМОВ:

Дунёда истиқомат қилувчи турли миллат ва элат вакилларини бирлаштирадиган қудратли бир восита борки, уни бошқа нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бу — мусиқа, бу — оҳанг, бу — тарона.

ЎзХДП: маҳаллий кенгашларда

Ташаббус ва ҳалол меҳнат

турмушни фаровон этади

⇨ 2

Мулоқот

Ички ишлар вазирлигида учрашув

Мамлакатимизга ташриф буюрган Озарбойжон Республикаси ички ишлар вазири Рамил Усубов раҳбарлигидаги делегация 12 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Баҳодир Матлюбов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишлар қатори хавфсизлик соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда терроризм, экстремизм ва одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

— Халқларимизни азалий дўстлик, ўхшаш маданият, урф-одатлар ва қадриятлар боғлаб туради, — деди Р.Усубов. — Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар икки томон учун ҳам манфаатли асосда ривожланиб бормоқда. Икки давлат раҳбарлари ташриф-лари чоғида имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Шу куни Озарбойжон Республикаси ички ишлар вазири Р.Усубов Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашиджон Қодиров билан ҳам музокара ўтказди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида фикр алмашилди.

Мадина УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

Фуқаролик жамиятининг муҳим шарти

Давлат бошқаруви ва ҳокимият органлари фаолияти ошкоралигини таъминлашдир

⇨ 3

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 13 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1807,27	1 Миср фунти	291,15	1 СДР	2746,23	10 Жанубий Корея вони	16,17
1 Англия фунт стерлинги	2760,37	1 Канада доллари	1744,05	1 Туркия лираси	969,27	10 Япония иенаси	224,77
1 БАА дирҳами	474,26	1 Хитой юани	272,68	1 Швейцария франки	1963,23	1 Россия рубли	58,66
1 АҚШ доллари	1741,78	1 Малайзия ринггити	576,18	1 Евро	2446,11	1 Украина гривнаси	218,47

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2011

Кўрик-танлов

ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимини оширишга хизмат қилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Юртимизнинг 14 та минтақасида ғолиб бўлган йигит-қизлар республика босқичида анча ҳаяжонга тушишди. Бу табиий, албатта. Чунки уларни олдинда ғоят масъулиятли шартлар кутиб турарди.

Одатдагидек, кўрик-танловнинг биринчи шартида иштирокчилар ўзини, туман ва шаҳар партия ташкилоти фаолиятини ўзига хос тарзда нотиқлик санъати билан таништирди.

Иккинчи шартда эса иштирокчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимлари савияси савол-жавоб асосида синовдан ўтказилди. Жавоблар иштирокчининг сиёсий билим даражасини аниқлаб берди.

Учинчи шартда йигит-қизлар депутатликка номзод сифатида рақобатлашишди. Ўз ҳудудларидаги мавжуд ҳолат ва талабдан келиб чиққан ҳолда, ёшлар ўртасидаги энг долзарб масалаларни қамраб олган сайловолди Дастури (платформаси)ни намойиш этдилар.

Сўнгги — тўртинчи шартда эса иштирокчилар партия фаолиятига доир тайёрлаб келган видеороликларни тақдим этишди. Уларда Халқ демократик партияси аъзолигига қабул қилиш, бошланғич партия ташкилоти фаолияти, шунингдек, партиянинг ижтимоий негизи — кўп болали оилалар, ногиронлар, кам таъминланганлар, нафақахўрларга партия фаоллари томонидан кўрсатилаётган ёрдам, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар намойиш этилди.

Айтиш жоизки, беллашув катта қизиқиш ва кўтаринки кайфиятда, энг муҳими, соғлом рақобат асосида ўтди.

Юқоридаги шартлардан кўзланган мақсад — ёшлар сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, партия ташкилоти ишига уларда кўникма ҳосил қилишдир.

Шундай қилиб, барча шартларда ўз иқтидорини намоён этган Қорақалпоғистон Республикаси вакили, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Хўжайли туман масъул ходими Рустам Туренов фахрли биринчи ўринга сазовор бўлди.

Иккинчи ўрин Наманган давлат университети ўқитувчиси Икромжон Солиевга, учинчи ўрин эса самарқандлик талаба Жасур Умрзоқовга насиб этди. Уларга ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан таъсис этилган дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди.

«ЎзХДПда ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг туман ва шаҳар, вилоят босқичларида етакчилик қобилияти юқори бўлган ёшлар аниқланиб, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий билим ва иқтидорини янада ривожлантиришга эришилаётгани, қолаверса, фуқаролик жамияти қурилишида ёшларнинг фаол иштироки таъминланаётгани кўрик-танловнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кўрик-танлов ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш билан бирга, уларнинг истиқболдаги фаолиятига ҳам ижобий таъсир ўтказиши табиий. Зеро, ўз меҳнати самарасини кўрган ҳар қандай инсон янги куч ва ўзига ишонч билан келажакка интилади.

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Сўз — «ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2011» кўрик-танлови қатнашчиларига

Рустам ТУРЕНОВ,
1-ўрин соҳиби
(Қорақалпоғистон Республикаси):

— Мен бу танловда ғолиб бўлиш истагида эдим. Билимли, кучли, ҳозиржавоб тенгдошларимнинг чиқишларини кузатиб, очиғи, бироз чўчидим ҳам. Аммо Президентимиз мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрамида биз ёшларга қарата айтган унутилмас сўзлари кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди. Танловда ана шу шаҳд, кўтаринки кайфият ва ишонч билан иштирок этдим. Шу боис мақсадимга эришдим. Шунга амин бўлдимки, инсон ўз олдига аниқ мақсад қўйса, унга эришиш учун қатъий курашса, албатта ниятига етар экан. Ғолиблик менга сиёсий, ҳуқуқий билимларимни ошириш устида тинмай ишлаш, нотиқлик маҳоратимни ошириб бориш ва келажакда албатта етук сиёсатчи бўлиб етишиш масъулиятини юклади. Кейинги сайловларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига партиямиздан ўз номзодимни қўйиб, албатта, депутат бўламан, деган ниятдаман.

Ўктам УСМОНОВ,
танлов иштирокчиси
(Бухоро вилояти):

— Танлов иштирокчиларининг билими, савияси ва ҳозиржавоблигини кўриб, рости, тенгдошларимга ҳавас қилдим. Улар орасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиблари, Улуғбек номидаги стипендияга сазовор бўлган ёшлар бор эди. Республика босқичи қатнашчиларининг сиёсий билим ва кўникмалари жуда юқори экани танлов давомида яққол намоён бўлди. Биз бир-биримиздан илҳом олиб, бир ғоя ва мақсад учун курашдик, бевосита фикр ва тажриба алмашдик. Танловдан жуда катта сабоқ олдим. Энди ўз устимда бетиним ишлаб, келажакда, албатта, депутат, етакчи бўлишга интиламан. Эртанги кун, нурли истиқбол биз ёшларники. Шундай экан, Президентимиз ишончини оқлаб, мамлакатимиз нуфузини кўтаришга бор куч-ғайратимни бағишлайман.

— Жорий йил ҳаётимда унутилмас излар қолдирди. 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни умумхалқ байрами арафасида Президентимиз қарорига асосан Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Мана, «ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2011» кўрик-танловида Кармана тумани, кейин Навоий вилояти бўйича ғолиб бўлиб, республика босқичида иштирок этдим. Мен учун асосийси ғолиб бўлиш эмас, сиёсий ва ҳуқуқий билимимнинг ортиши, ўзимни синаб кўриш, дўстлар орттиришдир. Тенгдошларимнинг ғайрат-шижоати, билимдонлиги, ҳозиржавоблиги янада қунт билан ўз устимда ишлашим лозимлигини англатди.

Лайло ОРЗИЕВА,
танлов иштирокчиси
(Навоий вилояти):

Президентимиз Мустақиллик байрамида биз ёшларга қарата: ***«Азиз болаларим, Оллоҳнинг назари тушган Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетакрор ўлкада туғилиш, унинг бағрида камол топиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Ана шу ҳақиқат ҳар бирингизнинг қалбингиздан, юрагингиздан чуқур жой олишини истардим. Ватан севгиси, Ватанга садоқат туйғуси сизларга умрбод ёр бўлсин»,*** деган ўтли хитоби тенгдошларим юрагида акс-садо бераётганига гувоҳ бўлдим. Биз албатта давлатимиз раҳбари ишончига муносиб авлод бўламиз.

— Мана шу танлов туфайли мен депутатликка номзод сифатида ўз дастуримни ишлаб чиқдим. Бу дастур аввало ўзимнинг, номзодимни кўрсатган партиянинг юзи бўлиши керак, деган масъулият менга тинчлик берган эмас. Бугун партиямиз электоратини ташкил этувчи кишиларни нималар ташвишга солаяпти, қандай муаммолар биринчи бўлиб ҳал этилиши зарур, ҳаётимиздаги ўткир ижтимоий масалаларни ечишнинг қандай мақбул ва муқобил йўллари бор. Аввало юртимизда кечаётган жараёнларни чуқур таҳлил этиш, бошқа сиёсий партиялар таклиф этаётган йўл ва дастурларни синчиклаб ўрганиш, шундан келиб чиқиб амалий фикр айтиш, давр талабидир. Мен шуни англаб етдим. Муҳими, бу келгуси ҳаётимда асқотади.

Шартга тайёргарлик кўриш асносида кўпдан-кўп ҳужжатларни кўздан кечирдим, Президентимиз илгари сурган Концепцияни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Танлов жараёнида шундай хулосага келдимки, «ЎзХДПда ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ўзига хослиги, келажакда сиёсатчи, партия лидери, депутат ва раҳбар бўламан деган йигит-қизлар учун жуда фойдали экан.

Маҳлиё КОМИЛОВА,
танлов иштирокчиси
(Андижон вилояти):

Асли КАМОЛ
ёзиб олди.

Матбуот анжумани

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш

бугунги кун талаби

Матбуот ва ахборот агентлиги ва Мустақил босма ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги ўрни» мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

Унда тегишли ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Сўзга чиққанлар Президентимиз илгари сурган Концепцияда белгиланган ахборот соҳасини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш, жамият ривожида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар ижроси ҳақида фикр юритишди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ОАВ фаолиятини янада мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгилашни талаб этмоқда, — деди **Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Бобур Алимов.** — Миллий ахборот тизими халқаро меъёрлар даражасида ривожланиши учун ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш лозим. Бу — оммавий ахборот воситалари замон талабларига мос равишда фаолият олиб боришини таъминлайди.

1991 йилда 395 та оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатган бўлса, бугун улар 1243 тани ташкил этади ва 7 тилда иш олиб боради. Кўплаб оммавий ахборот воситалари, уларнинг вакиллари хорижда ўтказиладиган турли тадбирларда мунтазам қатнашиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, миллий оммавий ахборот воситалари жаҳон ахборот маконида мустаҳкам мақомга эга эканини кўрсатади.

— Давлатимиз раҳбари томонидан ахборот соҳасини ислоҳ этиш бўйича таклиф этилган чора-тадбирлар оммавий ахборот воситалари мустақил институт сифатида шаклланиши, шу билан бирга, ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни эркинлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган, — дейди **Мустақил босма ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев.** — Жамоат фонди шу йўналишдаги фаолият дастурини ишлаб чиққан. Дастур грантлар ажратиш, танловлар, ўқув форумлари ва семинарлар ўтказиш, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, бизнес лойиҳалар билан ишлаш, рағбатлантириш ва ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш каби масалаларни ўз ичига олади.

Ўтган вақт давомида шу асосда муайян ишлар қилинди. «Мамлакат ҳудудий туман ва шаҳар газеталари ўртасида глобал интернет тармоғи негизида ахборот айирбошлаш тизимини яратиш» инновацион лойиҳаси доирасида 91 та ҳудудий таҳририят учун интернет тармоғида ишлаш имкони яратилди. Турли таҳририятлар қошида фонд билан ҳамкорликда ташкил қилинган Журналистик маҳорат марказлари самарали фаолият юритмоқда. Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, унинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш алоҳида таъкидланган. Шундан келиб чиқиб, қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фонд экспертларининг фаол иштирок этиши асосий вазифа этиб белгиланган. Тадбир давомида кун тартибидаги масалалар бўйича қатор таклифлар билдирилди.

Гулрўх ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎзХДП: маҳаллий кенгашларда

Қизилтепа туманининг катта қисми Маликчўл ва Ўртачўл ҳудудида жойлашган. Шундай бўлса-да, қишлоқ хўжалиги жуда ривож топган. Соҳа равнақида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари муносиб ҳисса қўшмоқда. Улардан бири, вилоят Кенгаши депутати, «Валиобод» фермер хўжалиги раҳбари Раъно Валиевадир. Унинг хўжалиги Ўртачўл ҳудудида жойлашган.

Ташаббус ва ҳалол меҳнат

турмушни фаровон этади

Бу йил хўжалик 52 гектар ғаллазордан 127 тонна ўрнига 156 тонна сара дон олди. 67 тонна ўрнига 80 тонна сифатли пахта хирмони уйилди. Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деган гап бор. Хўжалик жамоаси кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш ва ободонлаштириш борасида кўп ибратли ишлар қилаяпти. Биргина шу йил маҳалла ободончилиги учун 2 миллион сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Кам таъминланган оилалардан иккитасига қорамол олиб беришди.

Туманда 2801 нафар партия аъзоси бўлиб, улар 66 та бошланғич ташкилот атрофида бирлашган. Яқинда 36 нафар киши партия сафига қабул қилинди. Партия аъзоларининг 1537 нафари хотин-қизлар. Туман Кенгашининг 30 нафар депутатидан 9 нафари ЎзХДП вакилларидир.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида кўп иш қилишимиз керак, — дейди туман партия кенгаши раиси Фахриддин Темиров. — Давлат дастурида катта вазифалар белгиланган. Уларни амалга ошириш эса турмушимизни яхшилаб, юртимизни янада обод этади. Шу боис, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароит яратиш бизнинг ҳам асосий ишимизга айланган...

«Зарафшон» хўжалигида партиямиз аъзолари амалга ошираётган ишларни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Хўжалик 2010 йили 495 тонна, жорий йилда эса 520 тонна ғалла хирмони уйди. Асаларичилик ва балиқчилик ташкил этилди. Гўшт ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш цехи очилди. Бу ерда ҳар куни 240 килограмм колбаса маҳсулотлари тайёрланмоқда. Махсус иссиқхонада лимон ва бодринг етиштириш йўлга қўйилган. Яқинда паррандачилик ташкил этилди. Хўжаликда 15 нафар партиямиз аъзоси бор. Бош иқтисодчи Завқиддин Камолов бошланғич ташкилот етакчиси. Партия аъзолари Ойбек Жабборов, Роҳила Одилова, Ҳамдам Асадов, Амриддин Худоёров ва Неъмат Рўзиев молларни бўрдоқига боқишда, экинзордан мўл ҳосил олишда, янги иш ўринлари очишда ҳаммага ўрнак бўлаяпти.

Партиядошларимиз кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, ободонлаштириш, қаровчисини йўқотган кишилар ҳолидан хабар олиш борасида ҳам тизимли ва ибратли ишлар қилмоқда. Ўн нафар кам таъминланган оиланинг табиий газ ва электр энергияси учун тўловлари хўжалик ҳисобидан амалга оширилади. Шу йилнинг ўтган даврида касаначилик йўналиши бўйича 14 та янги иш ўрни ташкил этилди.

— Энг муҳими, одамларимизнинг ерга, меҳнатга ва хусусий мулкга муносабати тубдан ўзгарди, — дейди хўжалик раҳбари Азамат Набиев. — Ташаббускорлик ва фидойилик ошди. Бунинг натижасида янги иш ўринлари яратилиб, ишлаб чиқариш кўламини кенгаймоқда, қишлоқлар обод бўлмоқда.

Президентимизнинг «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида намунавий лойиҳа бўйича барпо этилган замонавий уй-жойлар аҳоли турмуш маданияти ўсишига, қишлоқ инфратузилмаси ривож топишига қаратилган давлат сиёсатининг амалдаги ифодаси бўлмоқда. Ҳозиргача туманнинг 5 та мавзесида 42 та янги уй-жой қуриб ўз эгаларига топширилди. Шунингдек, Маликобод, Оқолтин, Арабон, Ванғози ва Бўстон қишлоқларида ҳам намунавий лойиҳа асосида замонавий уй-жойлар қуриш давом этмоқда.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилаётган бу уй-жойлар турмуш маданиятини ошириб қолмай, юрт ободлигига хизмат қилмоқда, — дейди туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Шокир Ҳабибов. — Ҳаётдаги ўзгаришлар кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда. Инсон мана шундай ёниб, яратиб, ўзидан нурли излар қолдириб яшаши керак...

У бир мисол сифатида Зармитан қишлоғини тилга олади. Зармитан тумандаги энг йирик қишлоқ. Бу ерда олтита маҳалла бўлиб, улар тозалик ва ободликда бир-биридан қолишмайди. Аҳоли томорқадан оқилона фойдаланади, чорва молларини кўпайтириш эса анъанага айланган. Ҳар бир ҳовлида камида ўнта қорамол боқилади. Улар етиштираётган чорва маҳсулотлари оилавий даромад манбаи ҳисобланади, шунинг орқасидан янги уйлар қуришади, тўйлар қилишади, енгил машина олишади.

Зармитан ва Варозундаги маҳаллаларда, айниқса, миллий ҳунармандчилик такомил топган. Бир хонадон тандирсозлик билан шуғулланса, бошқа бири дурадгор, яна кимдир каштачи, кимдир зардўз, ишқилиб, ҳар бир оила сулолавий ҳунар эгаси. Шуни ҳам айтиш керакки, бугун улар буюртма асосида маҳсулот тайёрлаяпти, пойтахтимиздан, Самарқанд, Бухоро ва Шаҳрисабздан харидорлар келиб олиб кетмоқда...

— Биз мана шу қўлигул кишиларимиз саломатлигини муҳофаза қилишга бор кучимиз ва билимимизни сафарбар этаяпмиз, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, вилоят Кенгаши депутати, туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Эркин Ўринов. — Бунга тўла шароит бор. «Ўзбекистон», «Ғамхўр» қишлоқ врачлик пунктлари тўлиқ қайта таъмирланди. «Хушарти» қишлоқ врачлик пункти учун замонавий янги бино қурилди. Сайловчилар билан учрашувларда ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан бирга, тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга аҳолининг ёниқ муносабатини кўриб, рости, хурсанд бўламан. Қаранг, ҳатто чекка қишлоқларда ҳам шифокорларимиз энг замонавий тиббий жиҳозлардан фойдаланмоқда. Кишиларимизга астойдил хизмат қилмоқда.

Туманда 33 та қишлоқ врачлик пункти, 1 та кўп тармоқли марказий поликлиника ва марказий шифохона аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Яқинда эса сил касалликлари диспансери биноси қуриб битказилди.

Ҳа, Қизилтепанинг обод ва фаровон гўшаларида яратиш ишқисурури ҳукмрон. Бунёдкор кишилар орасида энг пешқадамлари партиямиз фаоллари экани кўнгилга қувонч бағишлайди, албатта...

Қурбон ТЎХТАЕВ,
Навоий вилояти.

Қирқта хонадонда ҳовли тўйлари

2009 йилда Жарқўрғон туманининг «Оқтепа» массивида намунавий лойиҳалар асосида 20 та уй-жой бунёд этилган бўлса, ўтган йили ушбу ҳудуд ҳамда «Меҳнат роҳат» маҳаллаларида жами 40 та уй-жойнинг калити ўз эгаларига топширилган.

Жорий йилда 27 та, «Лойқанд» қишлоғида эса 13 та уй-жой қуриб битказилди. Жами 40 та якка тартибдаги янги турар жойлар Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги кунларида ўз эгаларига топширилди. Уларнинг табиий газ, тоза ичимлик суви ва электр энергияси билан мунтазам таъминлангани қувонарли. Ҳудудларда савдо нуқталари, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Халқимизнинг истак ва хоҳишидан келиб чиққан ҳолда, келгуси йилда ҳам ана шундай иншоотлар қуриш учун ҳозирданоқ амалий ишлар қилинмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Фуқаролик жамиятининг муҳим шарти

Давлат бошқаруви ва ҳокимият органлари фаолияти ошкоралигини таъминлашдир

Ҳар қандай жамиятда давлат ҳокимияти органлари қабул қилаётган қарорлар, хусусан, фуқароларнинг қонуний манфаатлари билан боғлиқ ҳужжатлардан аҳолини хабардор қилиб туриш демократиянинг муҳим тамойилларидан ҳисобланади. Чунки бу — давлат органлари фаолияти очиқ ва ошкора олиб борилишини таъминлайди. Қарорлар қабул қилишдан аввал мутахассислар ва фаоллар билан маслаҳатлашадиган раҳбарлар оз эмас. Чуқур ўйлаб қабул қилинган бундай қарорлар халқ фаровонлиги, юрт равнақига хизмат қилади. Аммо шундай раҳбарлар ҳам борки, улар ўзбошимчалик билан чиқарган қарорлар қонунга зид бўлиб, одамларда норозилик туғдиради.

Фарғона вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Равшан Қирғизов таъкидлашича, айрим ҳокимликлар томонидан қабул қилинган қарорлар ўрганиб чиқилганида 7 та ҳолатда (Олтиариқ, Ўзбекистон, Фарғона туманларида) ноқонуний топшириқ ёки мажбурий юклаш ҳолатларига йўл қўйилган.

Адлия бошқармаси киритган тақдимнома асосида бир қанча қарорлар бекор қилинди ёки қонунларга мослаштирилди. Масалан, Ўзбекистон туман ҳокими Аброржон Боборахимов имзо чеккан қарорлар ўрганилгач, ноқонуний ҳолатлар аниқланди. Ҳокимликнинг «Футбол мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорининг 1-бандида «ҳомийлар рўйхати 3-иловага асосан тасдиқлансин», дейилган бўлиб, «Оқтепа Техсарой», «Бенгаз», «Наврўз», «Яйпангипс», «Яйпан ишонч мебель» ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг розилигисиз улар тадбир учун маблағ ажратиши белгиланган. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни 23-моддасида «Тадбиркорлик субъектларининг мулки дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза қилинади», 34-моддасида эса «Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига аралашишга ҳақли эмас» деб белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда футболнинг ривожланиши учун давлат томонидан жуда катта ишлар қилиняпти. Бундай хайрли ишга ихтиёрий равишда ҳисса қўшаман, деган тадбиркорлар ҳам оз эмас. Лекин бу ҳокимга қарор билан уларни мажбурлаш ҳуқуқини бермайди, албатта.

Ёки яна бир мисол. Сўх тумани ҳокими Мансуржон Мамажоновнинг «Туманда истеъмол қилинган ичимлик суви учун тасдиқланган меъёрда ҳақ тўлашни жорий қилиш ҳақида»ги Фармойиши ҳам бекор қилинди. Чунки ҳоким ўз мансабини суиистеъмол қилиб, амалдаги қонунларга зид равишда «Умумий фойдаланувдаги ичимлик суви тармоғидан фойдаланувчилар учун 200 сўмдан, алоҳида ёки ўз уйида ичимлик суви тармоғи мавжуд бўлганлардан жон бошига 400 сўмдан ҳақ тўлаб бериш»ни жорий қилган.

— 2011 йилнинг биринчи ярми давомида тадбиркорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида 148 та тақдимнома киритдик, — дейди вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Равшан Қирғизов. — Унга кўра 175 та шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шундан 17 таси эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Яна икки нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Назорат қилувчи органлар 35 та рухсатсиз текшириш ўтказган, 348 ҳолатда эса текшириш ўтказиш тартиби бузилган. Аниқланган ҳолатлар бўйича 8 та мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка, 42 та мансабдор шахс эса интизомий жавобгарликка тортилган.

Бу каби ҳоким ва мансабдор шахслар қарорларининг бекор қилиниши бир жиҳатдан улар ҳуқуқий экспертизадан ўтмаганлиги билан боғлиқ бўлса, айримлари ортида мансабини суистеъмол қилиб, шахсий бойлик орттириш мақсади туради.

Фурқат туманининг собиқ ҳокими Алишер Деҳқонов туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган Баҳром Қурбонов билан жиноий тил бириктириб, фуқаро Мўмин Ихсоновдан «Автомобилларга сиқилган газ тўлдириш компрессор станцияси қуриш учун 0,2 га ер майдони ажратиш тўғрисида» қарор чиқариб бергани учун 8 минг АҚШ доллари миқдорида пора олишган. Кейинчалик Мўмин Ихсонов тегишли идоралардан расмий лицензия ололмагани ҳамда бундай станцияни қуришга шахсий маблағи етмаслиги туфайли берилган порани қайтаришни бир неча бор талаб этган. «Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним», деб бежиз айтмаган эканлар. Ҳоким Алишер Деҳқонов Баҳром Қурбоновни чақириб, ерни бошқа одамга «сотиб» Мўмин Ихсоновни «тинчитиш»ни айтади. Лекин кўза кунида синар экан. Фарғона вилоят МХХ ходимлари жиноятни фош этдилар. Алишер Деҳқонов ҳам, Баҳром Қурбонов ҳам қилмишларига иқрор бўлиб, суддан кечирим сўраганида кеч эди. Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди уларга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Худди шу судда вилоят халқ таълими бошқармасининг собиқ бошлиғи Раҳматжон Дадажонов Фарғона шаҳридаги футбол мактаб-интернати директори Фарҳод Эргашев билан ҳамтовоқликда шу мактаб директори ўринбосари Лочинбек Мамарасуловни Фарғона шаҳридаги 11-ўрта мактабнинг директори лавозимига тайинлаш учун 2 минг АҚШ доллари миқдорида пора олганлиги учун ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жиноятчилар судда айбларига иқрор бўлиб, ҳозир белгиланган жазони ўтамоқдалар.

Каттами-кичикми, раҳбар киши учун энг оғир жазо — эл назаридан қолиш. Ўзини ҳурмат қилган раҳбар буни яхши билади. Афсуски, манманликка берилиб ёки нафс балосига учиб, ўзини бадном қилаётган раҳбарлар ҳамон учраб турибди.

Табиий савол туғилади: — Хўш, нега вилоят, шаҳар, туман ҳокимлиги, бошқа давлат бошқарув идораларининг мансабдор шахслари орасида юқоридаги каби қонунбузарлик ва жиноятларга қўл урмоқда?

Мутахассислар ўтказган тадқиқотлар ҳамда Фарғона вилояти мисолидаги воқеликлар таҳлиллари шуни кўрсатадики, кўплаб жиноятлар мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш имконияти билан боғлиқ ҳолда содир этиляпти. Демак, биринчидан, мансабдорлар фаолиятида ошкоралик, очиқлик керак, иккинчидан, жамоатчилик назорати эса амалда кучайиши, учинчидан, оммавий ахборот воситалари ҳаётий воқеликларни ёритишда ички қобиқдан чиқа олиши лозим. Ҳолбуки, бунинг барча қонуний асослари мавжуд. Тўртинчидан, юқорида номлари тилга олинган шаҳар, туманлардаги маҳаллий Кенгаш депутатлари лоқайдлик қилганлари, депутатлик ваколати доирасида раҳбарларнинг ноқонуний хатти-ҳаракати, қабул қилган қарорларига муносабат билдирмагани ҳам жиддий сабаблардан биридир.

— Дарҳақиқат, бундай кўнгилсиз ҳодисаларда билвосита бизнинг ҳам айбимиз бор, деб биламиз, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Топволди Холдоров. — Бизда ёши ўзингдан каттага, раҳбарга гап қайтарма, юзига чопма деган андиша бор. Аммо шуни тушуниб етишимиз керакки, раҳбарнинг камчилигини айтиш одобсизлик эмас. Аксинча, биз бу билан унга ёрдам берган, кейинги нотўғри ҳаракатларининг олдини олган бўламиз. Мен бир неча бор туман ва вилоят Кенгашлари депутатлигига сайланганман. Аммо бирор марта бирор депутат ҳокимга мана бу қарорингиз нотўғри ёки мана бу ишлар яхшиликка олиб келмайди, деб айтганини, уни тўғри йўлга бошлаганини эслай олмайман.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини кенгайтириш бўйича қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ролини, ваколатини кучайтиришнинг муҳим омили бўлди. Аммо қуйида, маҳаллий Кенгашларда-чи? Тўғриси, туман, шаҳар ёки вилоят ҳокимликлари ва уларга тегишли идоралар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда камчилик ва муаммолар оз эмас.

Президентимиз илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир янгидан 6 та, жумладан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» Қонун қабул қилиниши белгилаб берилган. Агар илгари марказий ва маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятини фақат уларнинг ўзлари муассис бўлган нашр ҳамда давлат телеканаллари мухбирлари ёритган бўлса, янги қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини ёритишда мансублигидан қатъи назар, барча оммавий ахборот воситалари тенг ҳуқуқли экани таъкидланган.

Бугун мамлакатимиз тараққиётининг шундай босқичига етиб келдикки, энди демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш талаб этилади. Зеро, давлат бошқаруви ва ҳокимият органлари фаолияти ошкоралигини таъминлаш демократик тамойилнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бугун мамлакатимиз тараққиётининг шундай босқичига етиб келдикки, энди демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш талаб этилади. Зеро, давлат бошқаруви ва ҳокимият органлари фаолияти ошкоралигини таъминлаш демократик тамойилнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Тезюрар поездда зиёратга келишди

Самарқанд темир йўл шоҳбекати байрамона безатилган. Миллий либосдаги қизлар шарқона ширинликлар, Самарқанд нони билан меҳмонларни кутиб олишга тайёр туришибди. Ниҳоят, «Афросиёб» тезюрар поезди Самарқанд темир йўл вокзалига етиб келди. Икки юз нафардан ортиқ нуронийлар, меҳнат фахрийлари, дин уламолари ва ёшлар жамоатчилик томонидан тантанали кутиб олинди, кейин улар шаҳардаги тарихий меъморий ёдгорликларни зиёрат қилишди.

— Тошкент — Самарқанд орасида елдек уча бошлаган «Афросиёб» поезди билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, — дейди Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги «Кўкча» маҳалласида истиқомат қилувчи Раъногул ая Розиқова. — Поезддаги шарт-шароит, хизматчиларнинг хушмуомаласи, тоза-озода вагонлар кишининг ҳавасини келтиради. Бизга шундай қулайлик яратиб берган давлатимиз раҳбарига раҳмат!

— Самарқандда барпо этилган кенг ва равон йўллар, бир-биридан муҳташам бинолар, янги иншоотлар ва сайлгоҳлар шаҳар кўркига кўрк бағишлабди, — дейди Фарғонадан келган меҳмон Ҳамидулло Убайдуллаев. — Кўҳна шаҳарнинг ҳар бир қарич ерида улуғ аждодларнинг ҳоки ётибди. Уларга муносиб бўлиш вазифамиз. Буни самарқандликлар уддалашаётганини кўрдик.

— Мазкур ташрифнинг маънавий-тарбиявий аҳамияти жуда катта, — дейди Самарқанд вилоят бош имом хатиби муовини Маҳмудҳожи Ибодуллаев. — Юртимизнинг турли вилоятларидан келган кишилар орасида ёшлар ҳам бор. Икки авлод учрашуви уларнинг онгу шуурига ижобий таъсир кўрсатади. Катталарга ҳурмат, кичикларни эъзозлаш сингари инсоний туйғулар ёшлар қалбидан мустаҳкам жой олса, ўз самарасини беради.

Самарқанддаги бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиб, меъморий обидаларни зиёрат қилган меҳмонлар шу куннинг ўзида Тошкентга қайтишди.

Мазкур тадбир Республика «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилди.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бандлик

Янги цех

Китоб — энг кўп мева-чева, узум ва сабзавот етиштирадиган туман. Шу боис бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга жиддий эътибор берилмоқда. Яқинда «Кифти-об консерва сервис» ҳамда «Севаз табиий шарбатлар» кичик корхоналарида ноз-неъматларни сақлайдиган иккита йирик совутгич-омборхона ишга туширилди.

Улар қаторига янги мева-сабзавотни қуритиш цехини ҳам қўшиш мумкин. «Гўзалсавдосервис» МЧЖ цех учун хориждан 100 миллион сўмлик зарур ускуна ва жаҳозлар келтирди. Янги цех 200 тонна мева ва сабзавотни қуритиш қувватига эга. Энг муҳими, ўнлаб ёшлар ишли бўлишди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳаёт қувончлари

БОЙСУН МЎЪЖИЗАСИ

Активлашган кўмир мамлакатимизга асосан хориждан келтирилади. Унинг бир тоннаси жаҳон бозорида 2 минг 500 дан 5 минг долларгача туради. Ҳолбуки, уни Бойсунда тайёрлаш имконияти мавжуд.

Мамлакатимизда 2,5 миллиард тоннадан зиёд қидириб топилган кўмир захиралари мавжуд. Агар Ангрен конидан қўнғир кўмир қазиб олинса, Шарғун ва Бойсун конидан тошкўмир қазиб олинмоқда.

Денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда бўлган Бойсун кўмирининг ўтмиши узоқ тарихга эга. Масалан, ўтган асрнинг турли йилларида, жумладан, 80-йилларда мазкур кўмир конини ишга тушириш борасидаги барча саъй-ҳаракатлар амалда эмас, қоғозда қолиб кетди.

Айтиш жоизки, фақат истиқлолга эришгандан кейингина халқимизнинг бу азалий орзуси амалга ошди. Айни кунда Бойсун кўмир конида 50 нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда. Бу ерда икки йўналиш бўйича маҳсулот қазиб олинаяпти. «Жанубий» майдондан ташқари «Марказий ва Шарқий» майдонларда жами 29 миллион тонна ўта сифатли тошкўмир борлиги аниқланган. Кон захираси Ғарбга қараб салкам 125 километрга чўзилган. Кўҳитанг тоғ этакларида кўмир захирасининг қалинлиги 25-30 сантиметрни ташкил этади. Шарқ томондаги захиралар қатлами эса, мутахассисларнинг маълумотига кўра, 2-18 метр қалинликдан иборат. Демак, Бойсун кўмир конининг жилови тўлиқ қўлга олинса, ундан узоқ йиллар фойдаланиш мумкин.

Ёпиқ усулда қазиб олинаётган кўмир махсус мосламалар ёрдамида портлатилгандан сўнг вагончалар билан ташқарига чиқарилади. Натижада махсулотнинг қарийб тенг ярми майда кўмир ва кукунга айланмоқда. Бу эса харидор ва истеъмолчиларнинг талабига жавоб бермаслиги аниқ. Шунга барҳам бериш учун ички имкониятлар ҳисобига кичик брикет цехи қуриб ишга туширилди.

— Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бошқа конлардаги брикетга мазут қўшилади. Натижада ундан ёқимсиз ҳид тарқалиб, олов йўлларини кукун босади. Бойсун кўмирига эса маҳаллий маҳсулот бентонит ва совун чиқиндиси ҳисобланмиш соапсток аралашмаси қўшилади. Бу эса экологик жиҳатдан жуда тоза ҳисобланади. Биз мазкур цехни янада кенгайтириб, жаҳон андозалари асосида брикет кўмир ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз, — дейди «Шарғункўмир» ОТАЖ Бойсун участкаси бошлиғи Шариф Бўриев.

Қазиб олинаётган кўмир 8 минг 200 килокаллориягача иссиқлик бера олади. Ҳамдўстлик мамлакатларида бундай юқори иссиқлик бера оладиган кўмир кони бармоқ билан санарли даражада. Масалан, Ангрен кўмири 3.5 минг килокаллория иссиқлик бериш имкониятига эга. Шунинг ўзи ҳам бу ердаги маҳсулотнинг сифати жуда юқори эканлигини кўрсатиб турибди. Шунингдек, Бойсун кўмири таркибида кўмир кокси, кўмир электроди, карбит-кальций мавжуд.

Навоийдаги электрокимё заводи лабораториясида ўтказилган тажрибаларда Бойсун кўмир конидан дунёда энг сифатли активлашган кўмир олиш мумкин эканлиги аниқланди. Кўмир лабораторияда синчковлик билан синовдан ўтказилганда 10 тонна маҳсулотдан 3 тоннадан ортиқ активлашган кўмир олиш мумкинлиги илмий ва амалий жиҳатдан исботланди. Ҳозир ана шундай активлашган кўмирга Ўзбекистоннинг эҳтиёжи 1.5-2 минг тонна атрофида бўлиб, у асосан валюта ҳисобига хориждан келтирилмоқда. Дарвоқе, бу ноёб маҳсулот озиқ-овқат, тиббиёт, енгил саноат, ҳарбий техника, узатиш ва қабул қилиш мосламалари, радио техника учун ҳам жуда муҳимдир. Масалан, нефтни қайта ишлаш жараёнида активлашган кўмир билан бензин, керосин, салярка фильтирланиб сифатли махсулотга айланади. Ёки спирт ишлаб чиқаришда ҳам активлашган кўмир асосий омил ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида иш бошлаган, айни пайтда «Шарғункўмир» очиқ акциядорлик жамиятининг Бойсун участкаси сифатида фаолият юритаётган Бойсун кўмир кони билан хорижий ишбилармонлар ҳам ўз пайтида қизиқишди. Бироқ Бойсун туманида темир йўлнинг йўқлиги уларни ўйлантириб қўйди.

— «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг барпо этилиши хорижий сармоядорларни яна биз билан шартнома тузишга ундамоқда, — дейди суҳбатдошимиз, участка бошлиғи Ш.Бўриев. — Айни кунда Хитой ва Россия давлатлари билан шартнома тузилиб, модернизация ишларига ҳозирлик кўрилмоқда. Бунинг учун Хитой томонидан дастлаб Шарғун ва Бойсун кўмир конига 50 миллион доллар пул ўтказиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудларида электр энергия таъминотини янада яхшилаш мақсадида ҳукумат қарорига асосан Бойсун кўмир кони яқинида Иссиқлик электр станцияси қуриш мўлжалланган. Бу электр станцияси Бойсуннинг тош кўмири билан ишлайди.

Иссиқлик электр станцияси қурилиши билан бирга, йилига 400 минг тонна кўмир қазиб олиш имконини берадиган янги шахта қуриш мўлжалланган.

Қурилиш ишлари икки босқичда амалга оширилади. Агар биринчи навбатда шарқий ва марказий участкаларда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилса, иккинчи босқичда автомобиль ва темир йўл қуриш ишларига киришилади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур кўмир кон тўлиқ қувват билан ишга туширилса, ҳақиқий Бойсун мўъжизаси рўй беради. Мамлакатимиз ва хорижий истеъмолчиларга йилига минг-минг тонналаб сифатли тошкўмир ва брикет маҳсулотлари етказиб берилиб, минглаб янги иш ўринлари яратилади. Энг муҳими, мамлакатимиз эҳтиёжи учун хориждан келтирилаётган активлашган кўмир айнан Бойсунда тайёрланади.

Абди ҚОДИРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«YURIDA NYSA» МЧЖ

қуйидаги компьютер дастурларини харидорларга тақдим этади:

Ўзбек тилидаги имло хатоларни тузатишга кўмаклашувчи, базасида 200 млн.дан ортиқ сўз шакллари жойлаштирилган «YURIDA-ORFO» компьютер дастури.

Электрон матнларни ўзбек тили кирилл алифбосида текширувчи, бир марталик ўрнатиладиган дастур баҳоси 60.000 сўм.

Электрон матнларни ўзбек тили лотин алифбосида текширувчи бир марталик ўрнатиладиган дастур баҳоси 60.000 сўм.

Дастурларни флешкада ўрнатиб бериш қиймати тегишли равишда 60+30+90.000 сўм.

Электрон матнларни бирваракайига ўзбек тили кирилл ҳамда лотин алифболарида текширувчи, бир марта ўрнатиладиган дастур баҳоси 100.000 сўм.

Флешка варианти 130.000 сўм.

Электрон матнларни ўзбек тили кирилл алифбосида текширувчи, бир йил давомида базани бойитиб бориш эвазига хизмат кўрсатиш (12х20=240000 сўм) шарти билан ўрнатиладиган дастур баҳоси 240.000+60.000 сўм = 300.000 сўм, кейинги йил учун 240.000 сўм;

Электрон матнларни ўзбек тили лотин алифбосида текширувчи, бир йил давомида хизмат кўрсатиш шарти билан ўрнатиладиган дастур баҳоси 240.000 сўм+60.000 сўм = 300.000 сўм;

Дастурларни флешкада ўрнатиб бериш қиймати тегишли равишда 300.000+30=330.000 сўм.

Электрон матнларни бирваракайига ўзбек тили кирилл ҳамда лотин алифболарида текширувчи, бир йил давомида хизмат кўрсатиш шарти билан ўрнатиладиган дастур баҳоси 340.000 сўм. Флешка варианти 370.000 сўм.

Ўзбекистон Республикасининг барча юридик ва жисмоний шахсларига Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонунлар, қонуности ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарорлари жамланган «YURIDA ОДДИЙ» ҳуқуқий тизим компьютер дастурининг бир марталик ўрнатилиш баҳоси 60.000 сўм, флешка варианти 90.000 сўм.

Бир йил давомида хизмат кўрсатиш шарти билан ўрнатиладиган дастур баҳоси 300.000 сўм, флешка варианти 330.000 сўм.

Мурожаат учун телефонлар:
+99971-200-80-00;
150-80-00; 150-80-01.

Илмий-амалий анжуман

Самарқанд — жаҳон мусиқа санъати меҳвари

«Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивали руҳи, шукуҳи унинг иштирокчилари қалбида узоқ вақт сақланиши табиий. Мазкур мусиқа фестивали ҳар қачонгидан ҳам юқори савияда ўтгани, қувончли воқеаларга бой бўлганига кўпчилик гувоҳ. Хорижлик қатнашчилар эса ўз мамлаатларига етиб бориб, юртдошларига Ўзбекистон, Самарқанд, фестиваль ҳақидаги ёрқин таассуротларини сўзлаб беришмоқда.

Фестиваль доирасида «Шарқ халқлари мусиқа маданиятини ўрганишда манбаларнинг аҳамияти» мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда қилинган маърузалар аҳамияти ҳам алоҳида эътиборга молик. Маълумки, олимларнинг тадқиқотлари асрлар оша илм-фан тараққиётига хизмат қилади. Шу боис халқаро илмий-амалий конференция ишига тўхталишни лозим топдик. Конференцияда 15 та маруза ва 13 та тақдимот киритилган бўлиб, бу тадбирларда 21 нафар хорижий ва 28 нафар ўзбекистонлик таниқли мусиқашунос олимлар илмий амалий маърузалари билан иштирок этишди.

Жаҳон олимларининг фикрича, фестиваль доирасида ўтказилаётган илмий конференциялар уларнинг мавзулари Шарқ мусиқа санъатига оид энг долзарб масалаларни илмий тадқиқ этишга йўналтирилган. Анжуман дастурида турли хорижий мамлакатларнинг таниқли мусиқашунос-олимлари борлиги ҳам унинг юқори даражали илмий салоҳиятидан гувоҳлик беради.

Конференция ялпи мажлисидан кейин ўз ишини 3 та йўналиш бўйича давом эттирди. Биринчи йўналиш «Амир Темур даври мусиқа маданияти ҳақида манбалар» мавзусида бўлиб, унда 9 нафар мусиқашунос олим-мутахассислар ўтган асрлар мусиқа маданиятини ўрганишга бағишланган маърузалари билан қатнашди. Жумладан, Фредрик Брессанднинг «Темурийлар даври санъати ва тарихини ўрганиш масалалари», мисрлик Муҳаммад Котб Ҳассан Эйсанинг «Фиръавнлар даври мусиқасини ўрганиш борасида»ги, З.Ориповнинг «Темурийлар даври мусиқий рисолаларида араб ва форс тили мусиқий атамалари», Т.Расулованинг «Темурийлар даври мусиқа маданиятининг фалсафий масалалари»га бағишланган маърузалари иштирокчилар орасида катта қизиқиш уйғотди.

Иккинчи йўналиш «Шарқ халқлари мусиқа манбашунослиги» деб номланган бўлиб, унда 9 та маруза тингланди. Иштирок этувчилар томонидан тожикистонлик А. Абдурашидовнинг «Шашмақом таркиби шаклланишида баёзлар ўрганилишининг аҳамияти», озарбойжонлик олима С.Багированинг «Озарбойжон мусиқасини ўрганишда манбаларнинг ўрни», тайвандлик олима Каролин Ли-Мин Куонинг «Тайван мусиқа маданиятида манбашуносликнинг ўрни», ЮНЕСКО вакили, кореялик Ким Деок Суининг «Ichcor» халқаро ташкилоти фаолияти тўғрисидаги қизиқарли тақдимоти, японияли Акиро Оказакининг «Япония ёшларининг анъанавий мусиқа меросига бўлган муносабатини мувофиқлаштиришга бағишланган маърузаси, С.Бегматовнинг «Мусиқий рисолалар: анъана ва замонавийлик» мавзуидаги чиқишлари ўзига хослиги билан барчанинг диққат-эътиборини тортди.

Учинчи йўналиш «Мусиқий манбашуносликка замонавий услубий ёндашув» мавзусида бўлиб, унда канадалик илмий-амалий тадқиқотчи Сашар Зариф Раванбахшнинг «Озарбойжон мумтоз мусиқаси муғом ва рақс ўртасидаги боғланиш томонлари», америкалик Эва София Скалланинг «Мусиқанинг инсониятга таъсири», польшалик Мария Поминановскаянинг «Шарқ мусиқаси Европаликлар кўзгусида», ўзбекистонлик О.Азимованинг «Ўзбек мумтоз мусиқасининг семантик ва шакл жиҳатлари» каби 10 та маруза тингланди.

Халқаро анжуман давомида замонавий жараёнда мусиқани сифатли ижросига мумтоз мусиқанинг назарий хусусиятларини асосли тадқиқ этишга етарлича эътибор қаратиш лозимлиги, меросни ўрганиш масалалари тарих, маданият ва бошқа санъатлар билан боғлаш ўта муҳимлиги қайд этилди. Конференция давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар жаҳон мусиқа маданиятида анъанавий мусиқа, Шарқ маданиятига эътибор кучайганлигини кўрсатди.

Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк бўлиб, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарликни янада мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтиришда хизмат қилиб келмоқда. Мазкур халқаро конференция жаҳон халқларининг мумтоз миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъати намуналарининг бугунгача кенг жамоатчиликка маълум бўлмаган ноёб ва тарихий манбалар асосида тадқиқ этишда, олинган муҳим натижа ва хулосаларни умумлаштириш ҳамда оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Илмий конференция давомида чет эллик ва мамлакатимиз олимларининг янги нашр этилган китоблари тақдимоти, устоз сабоқлари, олим-мутахассисларнинг оммавий ахборот воситалари ва илмий-ижодий жамоатчилик билан «Давра суҳбатлари» ўтказилди.

Конференцияда Самарқанд қадим-қадимдан жаҳон мусиқа санъати меҳвари бўлгани алоҳида таъкидланди. Мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан миллий санъатимиз гуркираб ривожланаётгани эътироф этилди. Бу ҳар биримизга фахр-ифтихор ва ғурур бағишлайди. Айни чоғда бу соҳада янада масъулият билан меҳнат қилишга ундайди.

Мўмин ҚОДИРОВ,
Самарқанд давлат университети проректори.

Семинар

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Давлат солиқ қўмитаси «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида қабул қилинган Фармон ва қарорлар ҳамда қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида кўргазмали семинар ўтказди. Унда тадбиркорлик субъектлари вакилларига яратилаётган имтиёз ва қулайликлар тўғрисида маълумот берилди.

Солиқ соҳасида тадбиркорларга имтиёз

Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига амал қилинади, яъни, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддият ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилади. Эндиликда тадбиркорлик субъектлари барча даражада — хоҳ у давлат бошқаруви идоралари, хоҳ ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари ёки тижорат банклари бўлсин, улар билан ўзаро муносабат жараёнида мана шундай ҳолат юзага келса, у тадбиркор фойдасига ҳал қилинади. Шунингдек, мазкур Фармонга кўра, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб, саноат соҳасида фаолият юритаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўлов ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилади. Ҳозир шу соҳада 32 мингта тадбиркорлик субъекти борлиги, уларнинг 23,4 мингтаси ёки 78 фоизи бюджетга ягона солиқ тўлаши ҳисобга олинса, бу — тадбиркорларга катта имконият экани ойдинлашади.

Бундан ташқари, 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб, солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, шунингдек, бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузганлик учун пения миқдори кечиктирилган ҳар бир кун учун пенияни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда, амалдаги миқдорига нисбатан учдан бир қисми, яъни 0,05 фоиздан 0,033 фоизга камайтирилди.

Хусусан, Фармонда тақдим этилаётган имтиёз ва имкониятлар нафақат солиқ, балки бошқа соҳалар билан боғлиқ. Жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб, тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очган тадбиркорлик субъектларидан тўлов ундирилмаяпти. Қолаверса, ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш мақсадида хўжалик субъектлари ўрнатган технологик ускуналарга четдан олиб келинадиган эҳтиёт ва бутловчи қисмлар учун 2016 йилнинг 1 январигача божхона тўлови тўламайди. Бу ҳам қувонарли албатта.

Семинарда солиқ соҳасига оид янгиликлар кўргазмали шаклида намойиш этилиб, солиқ идоралари ходимлари томонидан тадбиркорларга ахборот-маслаҳат хизматлари, информацион тарқатмалар ва қўлланмалар тақдим этилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги «HAMJIXAT IBRAT» хусусий корхонаси (ОКОНХ 71230 ИНН 301021487)
ТУГАТИЛАДИ.
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой ичида қабул қилинади. Мурожаат учун тел: 216-59-03.

Спорт

Бой берилган очколар

Футбол бўйича Ўзбекистон йигирманчи миллий чемпионати олий лига жамоалари ўн тўққизинчи тур учрашувларини ўтказишди.

Турнинг марказий ўйинларидан бири Самарқандда «Динамо» — «Нефтчи» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Унда динамочилар 2:0 ҳисобида зафар қучишди. Аввалига учрашувнинг 70-дақиқасида Сирожиддин Сайфиев ҳисобни очган бўлса, орадан етти дақиқа ўтгач Николай Риндюк ғалабани мустаҳкамлади.

Кутилмаган натижа эса Муборакда «Машъал» — «Насаф» жамоалари баҳсида қайд этилди. Аксарият мухлислар бу ўйинда меҳмонлар қийинчиликсиз ғалаба қозонишига умид қилишган эди. Аммо учрашувда дарвозаларга биттадан гол киритилди — 1:1.

Турнинг қолган ўйинлари қуйидагича ниҳоясига етди: «Металлург» — «Олмалиқ» — 4:3, «Бухоро» — «Сўғдиёна» — 2:1, «Шўртан» — «Андижон» — 0:0, «Бунёдкор» — «Қизилқум» — 3:1.

Мазкур турдан жой олган «Навбаҳор» — «Пахтакор» жамоалари баҳси бошқа кунга қолдирилди.

«Насаф» Таиландга жўнаб кетди

Осиё футбол конфедерацияси кубоги чорак финал босқичининг дастлабки учрашувлари 13 сентябрь куни ўтказилади. Шу куни «Насаф» футболчилари Таиланднинг «Чонбури» жамоаси меҳмони бўлади.

Мазкур муҳим учрашувда қатнашиш учун «Насаф» футбол клуби аъзолари 11 сентябрь куни Тошкент — Бангкок халқаро ҳаво йўналиши бўйича Таиландга жўнаб кетди. Спорт делегацияси таркибидан жами ўттиз тўрт киши жой олган бўлиб, уларнинг йигирма бир нафарини футболчилар ташкил этади.

Жамоа бош мураббийи Анатолий Демяненко Чонбури сафарига қуйидаги футболчиларни жалб этишни маъқул кўрган:

Дарвозабонлар — Муроджон Зуҳуров, Михаил Наумов, Элдорбек Суюнов; ҳимоячилар — Ботир Қораев, Артём Филипосян, Аҳрол Рискуллаев, Шерзод Аъзамов, Мақсуд Каримов, Боян Малишич, Жаҳонгир Жиямуродов; ярим ҳимоячилар — Эркин Бойдуллаев, Илҳом Юнусов, Андрейс Переплёткинс, Лутфулла Тўраев, Артур Геворкян, Мирзакамол Камолов, Элдор Бойматов; ҳужумчилар — Носирбек Отақўзиев, Иван Бошкович, Азамат Алланиёзов, Илҳом Шомуродов.

ОФК Ҳакамлар департаменти қарорига кўра, мазкур ўйинга японияли ҳакамлар гуруҳи ҳакамлик қилади. Чонбури шаҳридаги учрашув бош ҳаками этиб Такаяма Хироши тайинланган. Унга қанотларда ҳамюртлари Сагара Тору ҳамда Окано Такахиро кўмаклашадилар.

Эслатиб ўтамиз, «Чонбури» — «Насаф» жамоалари учрашуви бугун Тошкент вақти билан соат 17.00 да бошланади.

(Ўз мухбиримиз.)

Кашфиётлар майдони

Шу кунларда Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари теннис мактабида аёллар ўртасида анъанавий WTA tour туркумига кирувчи «Tashkent open» халқаро турнири бўлиб ўтмоқда. Мукофот жамғармаси 220000 АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг йигирмага яқин давлатидан келган энг кучли ракеткачилар ғолиблик учун кураш олиб бораяпти.

Эътиборли жиҳати, ўзига хос кашфиётлар майдонига айланган «Tashkent open» халқаро турнирида сайёрамизнинг бир қатор умидли теннисчилари ўз омадларини синаб кўришмоқда. Улар сафида мамлакатимизнинг етакчи ракеткачиси Оқгул Омонмуродовадан ташқари, Нигина Абдураимова, Сабина Шарипова каби иқтидорли теннисчилар борлиги қувонарлидир. Шунингдек, бу йилги баҳсларда ўзбекистонлик яна ўн бир нафар ёш ракеткачи кучлиларга қарши кортга чиқиш имконига эга бўлишди.

Мусобақа олдидан ўтказилган матбуот анжуманида WTA супервайзери чехиялик Мартина Луткова бу йилги иштирокчилар орасида Тошкент кортларида турли йилларда бош совринни қўлга киритган француз Паулин Парментье (2007), румин Сорани Кирстя (2008) ва россиялик Алла Кудрявцева (2010) борлиги турнир нуфузи йилдан-йил ортиб бораётганлигидан дарак бериб турганлигини алоҳида таъкидлади.

Бу йилги турнирнинг олдингиларидан фарқли жиҳати, бош соврин соҳибаси пул мукофотидан ташқари, мусобақа ташкилотчилари томонидан махсус совға билан тақдирланади. Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги муносабати билан ўтаётган бу йилги мусобақанинг яккалик баҳслари ғолиби юртимизда ишлаб чиқарилаётган Spark автомобили билан ҳам мукофотланади.

Қуръага кўра, етакчи теннисчиларимиз бугун баҳсларга қўшилишади. Жумладан, унда Оқгул Омонмуродова франциялик Аравана Резаи, Сабрина Шарипова россиялик Марта Сироткина, Нигина Абдураимова словакиялик Магдалина Рибариковага қарши кортга чиқади.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ОБ-ҲАВО 13-14.09. 2011

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	34°C	33°C
Самарқанд	32°C	30°C
Нукус	33°C	32°C
Қарши	34°C	33°C
Урганч	33°C	32°C
Навоий	31°C	36°C
Фарғона	31°C	36°C
Бухоро	31°C	36°C
Андижон	31°C	36°C
Наманган	31°C	36°C
Термиз	33°C	38°C
Жиззах	31°C	36°C
Гулистон	31°C	36°C
Тошкент вил.	31°C	36°C
Лондон	19°C	19°C
Париж	24°C	21°C
Москва	16°C	16°C
Мадрид	33°C	34°C
Пекин	25°C	24°C
Гонгконг	32°C	31°C
Рим	28°C	29°C
Анқара	29°C	30°C
Токио	32°C	32°C
Стокгольм	17°C	18°C
Кейптаун	16°C	17°C
Қоҳира	25°C	30°C
Гавана	33°C	33°C
Вашингтон	27°C	27°C

Газетанинг навбатдаги сони 17 сентябрь, шанба куни чиқади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Г — 946
10439 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'zA yakuni — 21.45
Topshirilgan vaqti — 00.15
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5